

ЎЗБЕКИСТОН

МАРКАЗИЙ
ОСИЁДА
ТИНЧЛИК ВА
БАРҚАРОРЛИК ТАЯНЧИ



ХАВФСИЗ МУҲИТ УЧУН
«ХЎЖАКЎРСИН»
КЕТМАЙДИ



ЖАММИЯТ

№ 3 (973)
2026 йил
12 март,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

Атроф-муҳит ҳимояси

ЗАРАР
КАМАЙТИРГАН
РАҒБАТГА
МУНОСИБ

Эндиликда саноат корхоналарининг атроф табиий муҳитга таъсирини камайтириш ҳаракатлари рағбатлантирилади. Бу “Атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш бўйича I ва II тоифаларга мансуб саноат корхоналарининг атроф табиий муҳитга таъсирини камайтириш ҳаракатларини рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги Низомда белгилаб қўйилди.

3 ➤

ПАРЧА
ҚОҒОЗНИНГ

КАТТА

МУАММОСИ

5 ➤

ЎЛАЁТГАН
ВИЖДОН,


6 ➤

УХЛАЁТГАН
ЮРАК

«ОТА-ОНАМНИ

ЯРАШТИРМАНГ,

4 ➤ ИЛТИМОС!»





ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон

мустақилликнинг илк кунларидан Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликка асосланган муносабатларни ривожлантириш йўлидан борди. Халқларимиз нафақат яқин қўшни, балки қардош сифатида кўп қиррали ҳамкорликнинг барча масалалари бўйича азалдан бир-бирларини тушуниб, қўллаб-қувватлаб келган. Ўтган йиллар давомида бу алоқалар янада мустаҳкамланди, мамлакатларимиз яхши қўшни ва ўзаро манфаатли ҳамкор сифатида тараққиёт йўлидан елкама-елка бормоқда.

Мамлакатнинг очиклик сиёсатига ўтиши ва Ўзбекистон Президентининг ташқи сиёсий доктринасида эълон қилинган Марказий Осиё устуворлиги тамойили ҳаётга татбиқ этилиши минтақадаги сиёсий-иқтисодий жараёнларнинг тубдан янгиланишини таъминлади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг яқин стратегик ҳамкорларидан бўлган Марказий Осиё давлатлари билан амалга оширилаётган ва тобора янги босқичга кўтарилаётган ўзаро дўстлик алоқалари ҳақида сўз юритиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, дўст давлатлар ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги алоқаларни янги босқичга кўтариш, ҳамкорликнинг янги йўналишлари ва истиқболларини белгилаган ҳолда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш борасида тарихий ишлар амалга оширилди.

Минтақадаги тинчлик ва ўзаро ҳамкорлик минтақада яшайдиган халқларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривож топишида энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ўзаро яқин алоқалар, очик мулоқот қадим анъаналар-



нинг бугунги глобал дунёда янги кўринишларда намоён бўлишини талаб этади. Шундан келиб чиқиб, эндиликда турли соҳаларда муносабатларнинг фаоллашгани эзгу мақсад – минтақа халқларининг янада яқинлашишига хизмат қилмоқда. Сўнгги йилларда Марказий Осиё давлатлари ўртасида ўзаро дўстона қўшничилик ва стратегик ҳамкорлик тили, дини, урф-одати, адабиёти ҳамда маданиятлари муштараклигига таянган ҳолда изчил равишда топмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари билан Стратегик шериклик, Абадий дўстлик, шунингдек, яхши қўшничилик ва ишончни муостаҳкамлаш борасидаги декларация ва ўзаро ҳамкорлик тўғрисида кўплаб шартномаларнинг имзоланиши минтақани юксак тараққиёт даражасига олиб чиқишга муносиб замин яратмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларини изчил ривожлантириш учун чегарадаги муаммоларни ҳал қилишга эришди. Ўзбекистонликлар Тожикистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Туркменистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ҳудудларига чегара

пунктлари орқали эмин-эркин кириб-чиқиш имкониятига эга бўлишди. Шунингдек, қўшни давлатларнинг халқлари ҳам Ўзбекистон ҳудудига бемалол кириб чиқа оладиган бўлдилар.

Марказий Осиё давлатлари ўртасида транспорт алоқаларини яхши йўлга қўйиш борасида самарали ишлар амалга оширилиб борилаётган. Юк машиналарининг мунтазам қатновига эришилди. Шунингдек, автобус ва поезд қатновлари йўлга қўйилди. 2022-йилнинг 21-июнь куни “Тошкент-Марказий” темир йўл вокзалига 30 йил ичида биринчи марта Душанбе шаҳридан йўловчи поезднинг етиб келиши катта тарихий воқеа бўлди. Минтақадаги транспорт инфратузулмаларининг яхшиланиб бориши яқин қўшничилик муносабатларини янада муостаҳкамлашига кенг йўл очмоқда.

Давлатларимиз раҳбарлари ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат, ишонч, конструктив мулоқот, мавжуд муаммоларни ҳал қилишда ҳамфикрликка асосланган бўлиб, бу кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга янги туртки беради.

Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлат раҳбарларининг расмий делегациялари иштирокидаги кенгайтирилган музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликни янада ривожлантириш, транспорт-коммуникация, энергетика, таълим,

соғлиқни сақлаш, фан, туризм, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни муостаҳкамлаш масалаларига эътибор қаратиб келинмоқда.

Марказий Осиё мамлакатларининг тобора жипслашиб бораётгани минтақани дунёдаги энг жозибадор сайёҳлик йўналишларидан бирига айлантириш учун мислсиз имкониятлар яратмоқда.

Минтақавий ҳамкорликни муостаҳкамлашдаги саъй-ҳаракатларидан яна бири Марказий Осиёда сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш ва бошқариш соҳасидаги ташаббусларда намоён бўлмоқда. Ўз навбатида, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари маслаҳат учрашувларида сув масалаларини дўстлик ва яхши қўшничилик асосида ҳал қилишга тайёр эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Ўзбек халқининг тожик, қозок, туркман ва қирғиз халқлари билан маданияти ва қадриятлари муштараклиги тарихдан яхши маълум. Халқларимизнинг тили, дини, тарихи бир.

Ўзбек тожик, қозок, туркман ва қирғиз халқларининг тарихида буюк мутафаккирлар, атоқли фан ва санъат арбоблари, олимлар, ёзувчи ҳамда шоирларни самимий дўстлик ришталари боғлаб турган. Бу жиҳатлар маданий-гуманитар алоқалар ривожига муҳим омил бўлмоқда. Марказий Осиё давлатлари ўртасида ўтказилиб келинаётган маданият кунлари фикримизнинг исботи бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Тожикистон, Қозоғистон, Туркменистон ва Қирғизистон Республикаларининг Маданий марказлари фаолият юритиб келмоқда.

Юқоридаги ҳамкорлик алоқаларининг янги даври халқларимиз ўртасидаги яқин қўшничилик ва қардошлик муносабатларини янада муостаҳкамлайди.

Буларнинг барчаси нафақат Ўзбекистоннинг дўстона ва ўзаро манфаатли давлатлараро муносабатларни ривожлантиришга қаратилган қатъий сиёсий иродаси, балки Марказий Осиёдаги қардош халқларнинг тинчлик ва тотувликда яшашга бўлган хоҳиш ва интилишини амалда рўёбга чиқаришнинг натижасидир.

Б. ҚОДИРОВ,
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти бўлим
бошлиғи.



◀ **1** Низомга кўра, 1-босқичда атмосфера ҳавоси ифлосланиши фон мониторинги станциясини (мониторинг станцияси) ўрнатган саноат корхонасига қуйидаги имтиёзлар берилади:

— табиатга зарар етказиш бўйича компенсация тўловларидан шаклландан қарздорликдан воз кечилади;

— табиатга зарар етказиш бўйича республика бюджетига йўналтирилдиган компенсация тўловларининг 50 фоизи 2 йил давомида қайтарилади.

2-босқичда эса мониторинг станциясини ўрнатган саноат корхонаси келгуси 1 йил давомида чанг-газ ва локал оқова сув тозалаш ускуналарини ўрнатганда, табиатга зарар етказиш бўйича республика бюджетига йўналтирилдиган компенсация тўловларининг 70 фоизи 2 йил давомида қайтарилади.

Низомга кўра, саноат корхонаси мониторинг станцияси, чанг-газ ва (ёки) локал оқова сув тозалаш ускунасини ўрнатгани тўғрисида Давлат хизматлари марказлари ёки YAIDXP (my.gov.uz) орқали Экология қўмитасига хабарнома юборади. Хабарнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар Экология қўмитаси томонидан хабарнома келиб тушган кундан бошлаб 15 иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқилади. Ўрганиб чиқиш натижаси бўйича саноат корхонасини рағбатлантириш тўғрисида Экология қўмитасининг ҳулосаси расмийлаштирилади.

**ЗАРАР КАМАЙТИРГАН
РАҒБАТГА МУНОСИБ**



Маҳалла ҳаёти

ХАВФСИЗ МУҲИТ УЧУН



«ХўЖАКЎРСИН» КЕТМАЙДИ

Халқимизда дардини яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деган нақл бежизга айтилмаган. Шунинг учун ҳар қандай хавф, хатар, бало, қўйингчи, инсон ҳаётига, жамиятимизга муаммо туғдирувчи таҳдидлардан канчалар вақтли хабардор бўлсак, жамиятимиз шунчалар ривожланиш сари бораверади.

Бу борада Президентимизнинг 2025 йил 5 январдаги “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори алоҳида аҳамият касб этади.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, “Яккасарой” маҳалласи ҳудудида Олий суд, Криминология институти ва туман ташкилотлари масъул ходимларидан иборат доимий фаолият юритувчи штаб фаолияти йўлга қўйилиб, туманнинг 21 та маҳалласида 18 нафар илмий ходим фаолият олиб бормоқда.

Криминоген вазиятга бево-сита таъсир кўрсатувчи асосий омиллар сифатида:

■ алоҳида тоифадаги шахслар;

■ оила-турмуш соҳасидаги ҳамда аёллар ва ёшлар жиноятчилиги;

■ спиртли ичимликлар, гиёҳвандликка ружу қўйган шахслар ва низолашётган оилалар;

■ ички ва ташқи миграция жараёнларининг мураккаблиги;

■ бозор ва бошқа жамоат жойларининг мавжудлиги;

■ аҳолининг ҳуқуқий билимсизлик даражаси;

■ “102” тизимига келиб тушаётган хабарлар;

■ содир этилаётган маъмурий ҳуқуқбузарликлар;

■ ижтимоий-маиший муаммоларнинг мавжудлиги амалий фаолиятнинг йўналишлари сифатида белгилаб олинди.

Хусусан, 435 нафар алоҳида

тоифадаги шахслар билан профилактик суҳбат ўтказилди, 76 нафар фуқаронинг ишга жойлашув, касбга йўналтириш, саломатлигини тиклаш, низоларни бартараф қилиш ва яраштирув муаммолари бартараф этилди. Бу борада, айниқса, жамият пойдевори, одоб ва ахлоқ мезони бўлган оила муҳитига алоҳида тизимли эътибор қаратилмоқдаки, халқимиз бежизга “қуш уясида кўрганини қилади” деб айтмаган. Ана шу мақсадда “Давомат”, “Ўқувчи”, “Тиғ” тадбирлари мунтазам ўтказиб келинмоқда, 93 нафар давомати сушт болалар аниқланиб, барчаси дарс машгулотларига муваффақиятли қайтарилди.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратишда яна бир асосий мақсадлар белгилаб ўтилган. Бу муурожаатларга тезкорлик билан муносабат билдириш тизимини яратиш ҳамда бу борада аҳоли розилигига эришишдир. Криминология тақдиқот институти ходимлари эса маҳаллаларда биринчи галда

келиб тушган муурожаатларга эътибор қаратиб, маҳалла “еттилиги” фаоллари билан ҳамкорликда аҳоли муаммоларининг ечимини топишга қаратилган тадбирларни мунтазам равишда амалга оширишмоқда.

Сўз, муомала инсон боласини кулфатлардан асраши ёки балоларга гирифторм қилиши мумкин. “Яхши гап билан илон инидан чиқади” дейилган нақл, ҳаётимизни тартибга солишда, турли келишмовчилик, низо, машмаша ва можароларнинг олдини олишда жуда муҳимдир. Бир сўз билан айтганда, мақсадга етиш йўлида барча усул ва воситалардан кенг фойдаланиш, эринмаслик, масъулиятсиз ва хўжақўрсинга берилмаслик бу борада алоҳида аҳамиятга эга.

А. АБДУГАППАРОВ,
Криминология тақдиқот институти марказ бошлиғи.

Ш. МУРЗАЖАНОВ,
мазкур институт илмий ходими



«ОТА-ОНАМНИ ЯРАШТИРМАНГ, ИЛТИМОС!»

Бугун интернетда зўравонликнинг кўз кўриб, кулоқ эшитмаган исталган турини учратишингиз мумкин. Бу воқеа эса яқинда Навоий вилоятида содир бўлди. Қизилтепа туманида эр хотинини ўлмасдан туриб гўрга кўмдирган. Энг дахшатлиси — 4 ва 2-синфда ўқийдиган гўдак фарзандларига бу ишни мажбурлаб қилдирган...

Дийдамиз қотиб қолди. Бугун бизни ҳеч нарса ажаблантирмайди. Ҳар куни бир кўз ташлаб ўтадиган навбатдаги хабардек, шу заҳотиёқ унутамиз. Минг йил яшаб қўйгандай, “ҳаммаси бўлиши мумкин”, дея лоқайдмиз. Сесканмаймиз, этимиз жунжикмайди.

Расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистонда ҳар йили 20-25 минг нафар аёл оилавий-маиший зўравонлик бўйича ички ишлар идораларига мурожаат қилади. Уларнинг қарийб 60 фоизи болали аёллар. Зўравонлик муҳотида ўсган болаларнинг 80 фоизда руҳий шикаст белгилари аниқланган.

Ш. (исмлар ўзгартирилган) Карманалик. У 13 ёшда. Айни пайтда онаси, синглиси ва укаси билан Навоий вилоятидаги Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказида яшамокда.

— Уйимизда доим жанжал эди. Дадам ичиб келиб, онамни урарди. Онам жуда кўп йиғларди. Ҳимоя қилмоқчи бўлсак, бизни ҳам калтаклаб кетарди. Охирги марта дадам онамни бошига темир билан урди... онам хушини йўқотди, ёрдам беролмадик... Дадам ҳеч кимни аямайди, ҳатто 3 яшар синглимни ҳам. Синглим ҳали жуда кичкина, дадамни кўрса қалтираб қочаверади, яхши гапиролмайди. Дадам доим маст. Уйга яқин орада егулик олиб келга-

нини эслай олмайман. 12 та молимиз бор, уларни боқамиз. Сут сотиб топган пулларимизни ҳам дадам олиб қўяди. Онам “болалар мактабга борсин” деса ҳам боши балого қолади. Мен ва укам ҳафталаб мактабга бора олмаймиз...

— Бизнинг аёлларимиз ҳамма нарсасига чидайди. Ҳатто хиёнатга ҳам сабр қилиши мумкин. Лекин жисмоний зўравонлик болаларига ўта бошлаганда, сабри тугайди, — дейди Навоий вилояти Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш маркази раҳбари Наргиза Эрматова. — Аёвсиз калтаклар оқибатида баъзи аёллар умрбод ногирон бўлиб қолади. Фарзандлар эса доим онасини отасидан ҳимоя қилади. Натижада болалар ҳам жисмоний ва руҳий жароҳат олади.

Марказда аёллар фарзандлари билан 2 ой яшайди. Айни пайтда 12 нафар аёл ва 15 нафар бола бор. Улар психологик, ҳуқуқий, ижтимоий ёрдам олади, хунар ўрганади, ишга жойлаштирилади. Кетгач эса бир йил давомида уларнинг ҳаётини кузатиб борамиз.

Яна бир аёлнинг эри пулдор одам, дўкони бор, яшаш шароитлари яхши, эри “маъшуқа”сини уйига олиб келган. Ҳеч кимга арз қилолмаслиги учун аёлининг сочини бутунлай қириб ташлаган. 2 йил давомида хотини ва фарзандлари бу “маъшуқа”нинг хизматида бўлган. Маҳалла, Ички ишлар қаёққа қараган, дейсизми? Бу мутасадди масъулларнинг барчаси пулдор эркакнинг улфати бўлишган! Туман ИИ бўлиmidан ёруғлик чиқмагач, аёл Вилоят ИИБга мурожаат қилган. Ҳозирда бу масъул “улфат” ларга нисбатан хизмат текшируви тайинланиб, тегишли чоралар кўрилмоқда.

Марказ психологи Маъмура Шукурованинг айтишича, оилавий зўравонликлардан энг кўп болалар жабр кўради. Карманалик ана шундай жабрдийда ака-укалар билан биринчи марта гаплашганим эсимда. Улар аввалига бизга ишонишмади.

“Сизлар ҳам онамизни яна уйга қайтариб

юборасизлар, яна отам билан яраштириб қўясизлар, кейин отам онамни ўлдириб қўяди, илтимос, ота-онамни яраштирманг”, дейишди.

Чунки аввал маҳалла мутасаддилари бир неча марта эр-хотинни “яраштириб” қўйган экан. Болалар руҳан жуда оғир аҳволда эди. Психологик тадқиқотларга кўра, оилавий зўравонликка гувоҳ бўлиб ўсган болаларнинг 65–70 фоизда депрессия, агрессия ёки ижтимоий кўркун шаклланади.

Ижтимоий ходим Альфия Қушакбаеванинг маълумот беришича, Марказда аёллар пазандалик, тикувчилик, компьютер саводхонлиги, болалар массажи, аёллар пардоз ва соч турмаги каби хунарларни ўрганади.

— Ш. деган аёл бор эди, бутунлай тамом бўлган аёл. Бу ерда пазандачиликни ўрганди. Айни пайтда ҳарбий қисм ошхонасига ишга жойлаштирдик. У бошқа одамга айланди. Қийинчиликлар, эри томонидан кўрсатилган жабру-зулм уни синдирмади, — дейди у.

Ҳа, айримларни муаммолар тоблайди. Улар фарзандлари учун ҳам кучли Аёлга айланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 126¹-моддасига мувофиқ, оилавий-маиший зўравонлик жиноят ҳисобланади ва такрорий ёки оғир оқибатларга олиб келган ҳолатларда айбдор шахс 10 йилдан 12 йилгача озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

Шунингдек, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга кўра, жабрланган аёлларга ҳимоя ордери берилади ва уларга нисбатан тазйиқ ўтказиш тақиқланади.

Мақола бошида келтирилган Қизилтепадаги ҳолат юзасидан айни кунда Жиноят ишлари бўйича Конимех туман судида иш кўрилмоқда. Ўз хотинини фарзандларига тириклай кўмдирган эркак албатта жазоланади.

Жамият бундан хулоса чиқариши керак.

Гулчехра БЕРДИЁРОВА



**Миллионлаб
одамлар истиқомат
килаётган
пойтахтимиз —
Тошкент эрта
тонгдан тун яримдан
оққунга қадар тиним
билмайди.**

КАТТА

**ПАРЧА
ҚОҒОЗНИНГ
МУАММОСИ**

Кўпчилик ишни метро бекатларида “кўзлари ёниб” турган банкоматлардан бошлайди. Пластик карталарни қийналмай “ютадиган” хайбатли банкоматлар сўралган пулни бера туриб, экранда “чек керакми?” деган ёзувни ҳам кўрсатади. Кимдир бу чекни олиб, уни ғижимлаганча ёнида турган қутига ташласа, кимдир билибми-билмай бир четга отиб юборади, Аммо, шу бир донга митти қоғоз парчаси ортида бутун бир экологик занжир, ишлатилган ресурслар, кесилган дарахтлар ва ортиб бораётган чиқинди муаммоси турганлигини афсуски, ҳеч ким хаёлига келтирмайди. Бу жараёни синчиклаб кузатган киши кўнглидан кўплаб саволлар ўтиши турган гап. Биласиз, шаҳримизда ҳар куни минглаб транзакциялар амалга оширилади, ҳар бир транзакцияда чек чиқарилса, бир сутка давомида йиғилиб қолган қоғоз уюми анчагинага етиб қолади. Ҳисоб-китобларга кўра, атиги бир тонна қоғоз ишлаб чиқариш учун 15–20 та йирик дарахт кесилар экан. Демак, кераксиз босилган ҳар бир чек — табиатнинг беаёв йўқотилган бир бўлаги. Айниқса банкомат чеклари оддий қоғоз эмас, балки кимёвий қопламали термоқоғоздан тайёрланиши ҳаммамизга ҳам маълум эмас. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, банкомат чек қоғозларини ишлаб чиқариш биз ўйлаганчалик осон ҳам, арзон ҳам эмас.

Шаҳарнинг турли жойларида ўрнатилган чиқинди қутилари катта оқимни доим ҳам кўтара олмайди. Кичик идишлар тезда тўлади, чеклар шамолда учади: йўловчи йўлакларида, бекатлар ёнида, боғларда сочилиб ётади.

Буни “фақат қоғоз” деб ўйлаш осон. Бироқ, майда чиқиндиларнинг йиғиндиси шаҳар тозалигига жуда катта зарар етказётганлиги сир эмас. Уларни йиғиш учун қўшимча ишчи кучи, техника, вақт керак, Бу эса иқтисодий харажатларнинг ортишига олиб келади.

Мутахассислар бу муаммони аллақачон ҳисоб-китоб қилишган. Эколог олим Ўктам Раҳимов шундай дейди: “Ҳар куни шунчаки бепарво босилаётган бир донга чек аслида бир йил давомида юзлаб дарахтларнинг кесилишига сабаб бўлаётганини одамлар билмайди. Банкомат чеки кичик, лекин экологик изи жуда катта.” Чиқиндиларни бошқариш бўйича эксперт Дилфуза Қодирова эса мана бундай фикр билдирди: “Агар одамлар чекни ўйламай босмаса, чиқинди ўзи камайд. Чек чиқиб кетган бўлса, уни алоҳида йиғиш ва қайта ишлаш пунктларига топшириш керак. Қайта ишлаш — энг осон ечимлардан бири.”

Тошкент марказидаги 12 та банкоматда уч кун давомида кузатув ўтказдим. Ҳар бир банкоматдан ўртача бир соат ичида 30–40 та чек чиқаётгани, улардан 75–85 фоизи ҳеч кимга керак бўлмай, чиқинди қутиларига ташлангани ёки банкомат ичида қолиб кетаётганлиги аниқланди. Банкомат атрофидаги чиқиндиларнинг катта қисми айнан чеклар эканини шаҳар тозалиги ходимлари ҳам тасдиқлади. Бу кўламни бутун мамлакат бўйича тасаввур қилинса, йилига неча ўн миллионлаб кераксиз чеклар чиқаётгани аён бўлади. Хўш, бу муаммо бошқа давлатларда қандай ечим топмоқда?


Европадаги кўплаб давлатларда банкоматлар сукут бўйича чек чиқармайди. Чек фақат мижоз хоҳлаганида чиқарилади. Ҳатто

Дания ва Швецияда чек тизими деярли бутунлай йўқ қилинган.

Японияда ҳар бир транзакция учун электрон чек автоматик равишда мобил иловага юборилади. Қоғоз чек деярли қўлланилмайди. АҚШнинг айрим штатларида банкоматлар экранда “Save Paper – Skip Receipt” каби экологик огоҳлантиришлар мавжуд. Чек чиқариш сўнгги йилларда 40 фоизга камайган. Жанубий Корея термо қоғозлар учун махсус контейнерлар ўрнатиб, қайта ишлашни йўлга қўйган. БААда ҳар бир транзакция учун қоғоз чек ўрнига QR-код берилади. Одамлар маълумотни мобил иловадан кўради.

Банк хизматлари рақамлаштирилгани учун аслида кўпчиликка қоғоз чекнинг кераги йўқ. Демак, муаммо технологияда эмас, одамларда, шаклланиб қолган эски одатда. Шаҳарларимизнинг келажаги, табиатнинг равнақи ва экологиянинг соғлиги айнан мана шу кичик қароримизга боғлиқ. Бир донга чекдан воз кечиш орқали биз атроф-муҳит ва саломатлигимизни асрашимиз мумкинлигини унутмайлик.

Фарангиз ОТАЕВА,
Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика ва ўзбек филологияси факультети талабаси.





УРУШЛАР ТЎХТАШИ УЧУН...

Навоий

КЕРАК

Миркарим Осимнинг “Зулмат ичра нур” тарихий қиссасидан парча.

Айни бир жараёнда турли манфаатлар.

“...Хуросон пойтахти Ҳирот саройида Бош вазир Низомулмулк қабулхонасида у ва бор будини қиморда ютқазиб қўйган йирик саркарда Жаҳонгир Барлос ўртасидаги суҳбатдан парча:

Бош вазир: Балх хазинасида бойликлар кўп. Тинчлик бўлса бу бойликларни тушунгизда ҳам кўрмайсиз.

Саркарда: Алишербек ишнинг белига тепатурган бўлиб турибди. Агар уруш бўлмаса, ҳолим хароб. Бирор иш қилинган, занглаб ётган қиличларимиз кинидан чиқиб жавлон қилсин.

Бош вазир: Бир иш қилсаму, уруш бўлса, қўлга киритган ўлжанингизга шерик қиласизму?

Саркарда: Гап битта, ярмини бераман.

...Пойтахтдан ўз ташаббусига кўра сулҳ музокаралари учун элчи бўлиб келган Алишер Навоий ва шаҳзода Бадиуззамон ўртасида Балх саройидаги суҳбатдан парча:

Бадиуззамон: Нимага Астрабоддай шаҳарни иним Музаффарга бе-

раман. Устоз, шартларингиз менга оғирлик қиладур.

Навоий: Уруш оғирлик қилмайдурму? ... Қайси юз билан Ҳиротга борурмен? Андин кўра мени шу ерда ўлдириш. Мен пойтахтга қайтмаймен. Ўлдириш... (Навоий сўзини тамомлай олмайди, кўздан дувиллаб ёш оқиб кетди. Эшикда хизмат қилиб турган Навоийнинг хизматкори Бехлул унинг гапларини эшитиб, йиғлаб юборди).

Бадиуззамон: Мени кечиринг, Устоз-Отажон, Сизнинг хурматингиз учун Астрабоддан кечдим.

..Навоийни Балхга сулҳ учун элчи қилиб юборган Ҳусайн Бойқаро Балх доруғасига “Бадиузза-

мон шаҳар ташқарисига чиққанда шаҳар дарвозасини беркитиб, уни шаҳарга киргизманг” мазмунинда махфий фармон юборганди.

... Ёши қирққа яқинлашиб қолган бўлсада, ҳали ўз чиройини йўқотмаган, Ҳусайн Бойқарони “гаҳ” деганда қўлга қўнадиган қилиб олган малика Ҳадичабегим ўз арзандаси Музаффарни валиаҳд қилиш учун тўнғич шаҳзода Бадиуззамон ва унинг ўғли Мўмин мирзодан кутилиш учун ҳар қандай фитнага тайёр эди...”

Тарихимизнинг энг қонли саҳифаларидан бири, тожу-тахт, давлат, бойлик учун ота ва ўғил, ака-укалар ўртасидаги душманлик натижасида ёш шаҳзода Мўмин мирзонинг ўз

бобоси фармонига кўра ўлдирилишидек фожиа рўй берган воқеанинг жараёнларидан бир парча эди бу.

Қаранг, жараёнларнинг Навоийдан бошқа барча иштирокчилари урушни ҳохламоқда ... унинг рўй бериши учун ҳаракатда, ундан кутаётган улкан манфаатлари бор.

Орадан асрлар ўтган бўлса-да, дунёда инсоният қайсидир манфаатлар йўлида ҳамон урушмоқда, урушдан манфаат кўрувчи томонлар янада кўпайса кўпайгандир, аммо, ҳозирда дунёда рўй бераётган урушлар тўхташи учун Улуғ Навоий етишмаётгандай...

Шерзод СУВОНҚУЛОВ

УХЛАЁТГАН ЮРАК

Бир пайтлар Римга Тунисдан иш излаб келган боланинг маҳаллий аҳоли томонидан эрмак учун устига бензин сепиб ёқиб юборилгани билан боғлиқ ҳаётий воқеа бошқа бир узоқ мамлакатдаги шоирнинг қалбини ларзага солиб, қўлига қалам тутқазган эди. Шоир “Нега Римга келдинг, тунислик бола” дея, бир инсоннинг ёнган танасидан кўра кўпроқ инсониятнинг кулга айланаётган виждонини сўроққа тутганди. У бир боланинг тақдири орқали “Ҳазрати инсон дегани шуми?” деган саволни инсониятга бера олганди. Бу шеър ўша пайтда бир ҳақиқатни - ҳақиқий дард масофа танламаслигини, инсон инсонга бегона бўла олмаслигини, мудҳиш жиноятлар олдида ҳақиқий қалб жим тура олмаслигини исботлаганди.

Бугун эса...

Бугун эса болалар ёппасига ўлмоқда. Эроннинг Миноб шаҳрида Исроилнинг қизлар мактабига берган зарбаси оқибатида 160 дан ортиқ ёш, гулдай норасида қизларнинг таналари тилка пора бўлди. Бу мудҳиш хабарни ўқиб, инсониятнинг ичида бир нарсани кимирлаши керак эди: ҳеч бўлмаса бир кеча уйқуси қочиши, ҳеч бўлмаса бир лаҳза тили калмага келмай қолиши керак эди.

Лекин бугун инсоният ўзгарди. Тараккиёт ортидан телбаларча югураётган инсониятнинг виждони ўлиб, юраги ухлаб, қалби мудраб, дийдаси қотиб бормоқда. Ижтимоий тармоқлардаги “қундалик шовқин” бизни шу кўйга солди. Тармоқларда дунё манзараси тинимсиз янгиланмоқда: навбатдаги сарлавҳа, навбатдаги баҳс, навбатдаги хабар, навбатдаги жиноят “ортидан

қувиб”, умримиз ўтпти. Бу жараёнда руҳимиз ҳам ўлмоқда. Дийдамиз қотиб, инсоният разилликларига нисбатан бепарво муносабат шаклланимоқда.

Бугунги энг катта фожиамиз фожиага кўникиб бораётганимиздир.

Менга энг оғир ботаётгани – ижодкорларнинг сукути. Аллоҳ томонидан юктирилган истеъдод Аллоҳнинг ўзи қоралаган, лаънатлаган ишларга жим қараб тураётгани. Ижодкорнинг виждони уйғоқ бўлиши керак: менга бир чандон таъсир қилган “дард” ижодкорни ўн чандон безовта қилиши керак. Бугун эса уларнинг юраги безовта тепмаяпти, виждони титрамаяпти, қалами тебранмаяпти...

Бир пайтлар Римга Тунисдан иш излаб келган боланинг маҳаллий аҳоли томонидан эрмак учун устига бензин сепиб ёқиб юборилгани билан боғлиқ ҳаётий воқеа бошқа бир узоқ мамлакатдаги шоирнинг қўлига қалам тутқазган эди. Шоир “Нега Римга келдинг, тунислик бола” дея, бир инсоннинг ёнган танасидан кўра кўпроқ инсониятнинг кулга айланаётган виждонини сўроққа тутганди.

Бугун эса...

Бугун эса шоиру адибларимиз жим. Уларнинг ижоди дард учун эмас, дабдаба учун бўлиб қолгандек, гўё. Виждон доди керак бўлган пайтда сукутни танлаган қалам қалам эмас, шунчаки безак: олифталик, таъма ва сохта обрў воситаси, холос.

Умид ХЎЖАМҚУЛОВ,
педагогика фанлари доктори, профессор.

ВИЖДОН,





Журналистик фаолиятим давомида кўп воқеаларга гувоҳ бўлганман. Фидойи, олийжаноб инсонларни ҳам, ўз мавқеини сақлаб қолиш учун ҳеч нарсадан тап-тотмайдиган кишиларни ҳам учратганман. Яқинда бир қизиқарли воқеалар бўлиб ўтди. 8-март байрам харидлари учун Самарқанд шаҳридаги “Ипак йўли” буюм бозорига бордим. Машинамни қўйишга жой топа олмай роса айландим. Хатто орқа томондаги маҳалла кўчаларида ҳам машиналарни қўйишга жой йўқ. Лекин пул терувчилар ҳар сафда бисёр.



«ЭРКАТОЙИ»?

махсулотлари, бир ёнда қорайиб кетган сифатсиз бананлар, бир ёнда ветеринария дорилари, бир ёнда эса ем махсулотлари сотилмоқда.

Маълумки, кўкат махсулотлари энг кўп микроб тарқатиши тиббиётда исботланган. Бундай махсулотлар тоза ва саранжом расталарда сотилиши керак, аслида. Буни назорат қиладиган ветеринария ва бошқа хизмат вакиллари ҳам йўқ экан. Яна бир савол туғилади: ушбу маскан бозор сифатида рўйхатда турадимми ёки йўқми? Шундан сўнг унинг раҳбари Жамшидбек Баҳодиров билан суҳбатлашдик. У бизга бозор ҳафтада бир маротаба — якшанба кuni бўлишини айтди. У ёлғон гапирди. Бозор ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари ҳам бўлади. Ундан кўчада терилаётган машина пуллари, патта чеки берилмаётгани ҳақида сўраганимизда жазаваси тутиб кетди. Чекчи аёлни чақириб: “Буни тасвирга ол, патта чекини сенга нима қизиғи бор”, деб ўшқирди. Бундай воқеага биринчи бор дуч келдим. Шунда халқимизнинг “Ким олдин мушт кўтаради, ёки кимнинг оёғи қалтирайди” деган нақли ёдимга тушди. Ёки у кимнинг эркатойи, бунчалик осмонан келиб ўшқиради? Демак билдимки, бу ерда бир хом-хаталик бор. Бўлмаса нега бундай муносабатга ўтди?

Аёнки, кўчадаги машиналар пули “Хизр” МЧЖ томонидан терилади. Хўп, майли, ушбу пуллар патта пули сифатида қирим қилинадими ёки йўқми? Ёки хуфёна иқтисодиётга йўл қўйилаяптими? Ҳар бозор кuni бу ерда миллионлаб пуллар йиғилади, дейди шу ерда суҳбатлашган кишиларимдан бири. Майли, бу пулни йиғиб санаганимиз йўқ. Лекин бунга аниқлик киритишни вилоят ҳокимлиги, вилоят давлат солиқ бошқармаси, вилоят бозорлар уюшмаси мутасаддиларидан сўраб қоламиз.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
журналист

Таҳририятдан:

Ушбу мақола ижтимоий тармоқларга ҳам эълон қилинган. Унда юртдошларимиз муаммо тўғри ёритилганини айтар экан, ўз фикрларини ҳам баён этади. Масалан, ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларидан бири: “Мана бу ҳақиқий “қора бозор”! Бозор атрофида пул териладию, бозорком билмайдими? Видео камера қўйилмаганми? Қўйилмаган бўлса, нимага қўйилмаган? Савол кетидан савол туғилади ўз-ўзидан” деса, бошқа бири: “Тирик китобга (яъни шу ном билан танилган китоб сотувчига демоқчи — таҳририят) жарима қилган солиқчини шу бозорга масъул қилиб қўйиш керак” дейди. Яна бир фойдаланувчи эса: “Кўп бозорларда тозаликка риоя қилинмайди, машина қўйиш жойлариди эса фақат пул терилади, лекин чек бермайди” дея ўз фикрини билдиради. Фикрлар кўп, аммо бу ўринда энг муҳим нарсa шуки: тозалик ва озодалик, тартиб бозорларнинг биринчи навбатдаги талаби бўлиши керак. Айниқса, экологик муаммолар барчани ташвишга солаётган бугунги кунда бу масалага бефарқ бўлмаслик, аввало виждоний ишдир.

МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим
ўзгариши миллий
қўмитаси

Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати – Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси

Таҳрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Камолиддин
ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Максуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-310
Адади: 2505
Пайшанба кuni чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6





АЗАЛИЙ МОЖАРО:

ҲАҚИҚАТ КИМ ТОМОНДА?



**Сир эмас,
47 йилдирки, Ғарб
ва Исроил Эронни
бутун дунёга олабўжи
қилиб кўрсатиб
келади. “Эрон
Яқин Шарқ учун
тахдид”. “Эронда
террористик режим
ҳукмрон”. “Эронда
инсон ҳуқуқлари
бузилмоқда”.
“Эронда аҳоли
камбағалликда
яшамоқда”. “Эрон
Америка ва Исроилга
тахдид қилмоқда”...**

Албатта, Ер юзиди идеал тузум ҳали шаклланмаган. Эронда муаммолар етарлича. Инсон ҳуқуқлари умуман топталмайдиган бирор бир давлатни топиш қийин. Салкам ярим асрдан бери турли чекловлар, иқтисодий қамал, санкциялар шароитида яшаётган 90 миллион аҳолиси бор мамлакатни шунча қийинчиликларга қарамай, ўз кунини ўзи кўриб келаётгани таҳсинга лойиқ. Ўзига нисбатан таҳдидни сезган ҳар қандай давлат ўзини ҳимоя қилишга, мудофаа тизимини мустаҳкамлашга уринади.

Тўғри, Эрон – ўз номи билан ислом республикаси. Аммо, ўрта асрлардагидек тўлиқ шариат қонун-қоидалари кўр-кўрона ўрнатилган тузум эмас. Бугунги кунда Эронда илм-фан, ахборот технологиялари, санъат ва маданият сезиларли даражада риволаниб бормоқда.

Аёллар ҳуқуқлари бузилмоқдами?

Аёлларга нисбатан белгиланган нормалар Ғарб нуқтаи назаридан “чеклов”, “жинсий тенгсизлик” сифатида баҳоланиши мумкин. Аммо, Шарқ менталитети, хусусан Эрон миллий қадриятлари нуқтаи назаридан бу талабларни меъёрдан ташқари дейиш қийин.

Бундан тўрт йил муқаддам Махси Амийи исмли курд қизининг рўмолини нотўғри тангигани учун полиция участкасига олиб кетилгани, кўп ўтмай унинг вафот этгани жуда катта шов-шувга сабаб бўлди. Бу ҳолат, айниса, Ғарб медиасида роса кўпиртирилди. “Эронда аёллар ҳуқуқлари поймол қилиняпти, рўмол ўрамаганлар ўлдириляпти” деб айюҳаннос солишди.

Албатта, 22 ёшли қизнинг ўлимини оқлаш мумкин эмас. Аммо, бундай ҳолат ҳар кун ҳар ерда, керак бўлса, Исроил ёки Америкада ҳам тез-тез юз беради. Бу воқеанинг Эронда содир бўлгани унинг душманлари учун айни муддао бўлди, холос.

Аслида, Эронда хотин-қизлар ҳуқуқлари чиндан поймол этиладими? Мен бир неча марта Эронда бўлганман. Очиги, у ерда рўмол ўраган хотин-қизларга қараганда рўмолсизлар кўпроқни ташкил этаркан, деган фикрга боргандим.

Бир эронлик танишим ҳикоя қилиб берганди: Бу мамлакатда аёлларга ҳатто эркаклардан кўра кўпроқ ҳуқуқ берилган. Эрон қонунлари асосида эркак уйланган пайтида унга ўртача 300 озодий олтини (тахминан 60 минг доллар) миқдорида маҳр пули белгиланади. Бу пул аёлнинг шахсий мулки бў-



либ, эркак уни тўламаган тақдирда суд орқали ундириб олиши мумкин. Агар эр-хотин ажрашадиган бўлса, маҳр пули аёлга тўлиқ тўлаб берилиши шарт. Бу эса, Эронда эркакларни қайсидир маънода аёлларга қарам қилиб қўйган. Агар эр-хотин бир-бирини севиб, тушуниб яшаса хўп-хўп, бордию аёл шаллақирок чиқса, эркакнинг шўри қурийд. Ё аёлнинг ҳамма инжиқликларини кўтариб яшашга мажбур бўлади, ёки, унча-мунча эркакнинг белини синдирадиган маблағни тўлаб, ажрашади. Бундай имкониятни ҳатто Европанинг айрим аёллари фақат орзу қилса керак.

Энди нима бўлади?

Унутмайлик, икки қудратли давлат Эронни ўз манфаатлари йўлида ғов деб билганлари учун ҳам уни йўқ қилиш пайига тушишди. Бу можарога баҳо беришда диний ёки миллий мансубиятдан келиб чиқиб баҳо бериш калтабинликдан бошқа нарса эмас. Чунки бу урушда минглаб бегуноҳ инсонлар, болалар, қариялар нобуд бўлмоқда. Эронда “инсон ҳуқуқлари таъминланиши” талаб қилаётган кучларнинг ўзи

ўша “ҳуқуқлари топталган” инсонларни аёвсиз ўлдирмоқда.

Бу борада Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсати алоҳида ўрин тутди. Яқинда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Бахтиёр Саидов Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Саййид Аббос Аракчи билан телефон орқали мулоқот қилди. Мулоқот давомида сўнгги воқеалар оқибатида тинч аҳоли орасида қурбонлар бўлгани муносабати билан таъзия изҳор этилди ҳамда жабрланган оилаларга нисбатан ҳамдардлик билдирилди. Минтақадаги вазият муҳокама қилиниб, ҳар қандай кейинги кескинлашув жиддий гуманитар ва хавфсизлик оқибатларига олиб келиши мумкинлиги қайд этилди.

Шунингдек, барча келишмовчилик ва низолар фақат тинч йўл билан – мулоқот ва дипломатия орқали ҳал этилиши лозимлиги ҳақидаги қатъий ва изчил позиция яна бир бор тасдиқланди. Умид қиламизки, Эрон заминида тез орада тинчлик ва осойишталик қарор топади.

Рустам ЖАББОРОВ